

УДК 903

Абдуллажанова Нигора

Преподователь Наманганскоого инженерно-строительного института

НЕКОТОРЫЕ ВЗГЛЯДЫ ПО ИСТОРИИ КИШЛАКА ХОДЖИОБОД

Аннотация: Статья об истории кишлака Ходжиобод Уйчинского района Наманганскоой области. Автор дает информацию о топониме и археологических памятниках кишлака. В заключение статьи предлагается особые черты изучения истории кишлака.

Ключевые слова: история, Ходжиабад, Ровот, Кызылровот, топоним, археологические памятники, Ниёзбек-тепа, Окгумбазтепа, Тарикмозор-тепа

Abdullajanova Nigora

Teacher of Namangan engineering construction institute.

SOME OPINIONS ABOUT HISTORY OF VILLAGE KHOLOVOD

Summary: This paper is about history of village Khojiobod of Uychi district of Namangan region. The author gave information about its archeological monuments of the village. In the conclusion of paper it was proposed special features of studying the history of the village.

Key words: history, Khojiabad, Rovot, Kyzilrovot, toponym, archaeological monuments, Niyozbek tepa, Okgumbaztapa, Tariqmozor tepa

Абдуллажанова Нигора

Наманган мұхандислик қурилиш институти үқитувчиси

ХОЖИОБОД ҚИШЛОГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ

МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақола Наманганскоого инженерно-строительного института қишлоғи тарихи ҳақида. Муаллиф қишлоқ топиними ва археологик ёдгорликлари ҳақида маълумотлар келтирған Қишлоқнинг тарихини ўрганишда эътиборга олиниши керак жиҳатлар мақоланинг хулоса қисмida берилған.

Калит сўзлар: тарих, Хожиобод, Ровот, Қизилровот, топоним, археологик ёдгорликлар, Ниёзбек тепа, Оқгумбазтепа, Тариқмозор тепа

Тарихни билиш зарурати тарихчи зиммасига улкан масъулият юклайди, шу қаторда унинг олдига қатор вазифалар ҳам қўяди. Энг аввало, ҳаққоний тарихни қайта тиклаш ва ёритиш вазифаси. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бу борада назарий ва амалий қадамлар ташланди ва давом эттирилмоқда. Улардан бири Ўзбекистондаги ҳар бир маъмурӣ-ҳудудий бирлик таркибига кирувчи ҳудудлар тарихини ўрганиш ва уларни умумлаштириш, шу аснода Ватан тарихини яратиш борасидаги саъи-ҳаракатлардир. Ушбу мақолада Наманган вилояти Уйчи туманидаги Хожиобод қишлоғи тарихига оид мулоҳазаларни баён қилиш мақсад қилиб олинган. Ҳозир ҳам халқ орасида Қизилровот деб аталувчи бу ҳудуд бугунги кунда 22 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиласиган ва шаҳарчага айланишга улгурган.

Ровот ёки Қизилровот топоними ҳақида бир нечта ривоят бор.

Уларнинг бирида айтилишича, Қизилровот сўзи Хизробод сўзининг бузиб айтилишидир. Қишлоқ ҳудуди қадимда сув чиқмайдиган баландликда жойлашган экан. Бир кишининг тушига Хизр алайҳиссалом кириб сув йўлини кўрсатган эканлар. Шундан сўнг одамлар ўша йўл орқали сув келтириб обод ерларга айлантирган эканлар. Халқ орасида бу жой Хизробод, яъни Хизр обод қилган жой деб аталган.

Иккинчи ривоятга кўра, қадимда қишлоқ ҳудудида ровот, яъни карвонсарой вазифасини бажарувчи иншоот бўлган экан. Хитойга қатновчи карвон йўли устида жойлашган бу ровот атрофида кейинчалик қишлоқ барпо бўлган экан.

Яна бир ривоятга кўра, қишлоқ ҳудуди қадимда Чорток тумани Короскон қишлоғида яшовчи шайх томонидан қизларига берилган бўлиб, Қизларобод деб аталган, кейинчалик Қизилровотга айланиб кетган экан.

Хар уччала ривоятнинг тарихий асослари бор. Бироқ ривоятга хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Масалан, қишлоқ ҳудудида сув билан таъминланиш масаласи ривоятдагидек: баландликка сув чиқариш билан боғлиқ; қишлоқ ҳудудида ровот қолдиқлари бор; Қизилровот ўз тарихида Короскон шайхларига вақф қилиб берилган.

Қишлоқ тарихи антик даврга бориб тақалади. Унинг ҳудудида 3 та антик ва илк ўрта асрларга оид қўйидаги ёдгорликлар бор:

Ниёзбек тепа (*Niёзбоши*) – Антик ва илк ўрта асрларга оид қўргон қолдиқлари бўлиб, Шимолий Фарғона каналининг нинг ўнг қирғогида жойлашган. Узунлиги 1-2 кмгача давом этган.

Оқгумбазтепа - Янгиер ҳудудида жойлашган антик ва илк ўрта асрлар ёдгорлиги қадимги қўргон ва қабристон қолдиқлари. Ривоятларга кўра, Оқгумбаз ота қирғиз бийларидан бўлган, асл исми Ниёзбекбий отанинг якка қизи бўлиб, ҳаждан қайтаётиб шу ерда қолган ва қизини чақириб оманатини топширган.

Тариқмозор тепа – Наманган – Учқўргон автомобиль йўлининг жанубидан 150-200 метрлар узоқликда жойлашган қўргон қолдиқлари.

Бироқ бу ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидағи Моддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси томонидан мустакиллик даврида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотида қайд этилган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг ўрганилиши ҳақидаги бошқа маълумотларга дуч келмадик. Шунингдек, сув эррозияси ва аҳолининг ўзлаштириши туфайли уларнинг келажаги хавф остида қолмоқда.

Қизилровот ҳақидаги кейинги маълумотлар XVI асрга оид бўлиб, унга қадар бўлган давр тарихига доир маълумотларга эга манбалар учрамайди. 1965 йилда нашр этилган А.Жавонмардиевнинг “ XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир” китоби ЎзР ФА Шарқшунослик институти (ҳозирги Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш

маркази)даги “Ёрлиқлар тўплами” ҳақида маълумотлар ўрин олган. Мазкур китобда қишлоқ Қизилработ номи билан берилган. Унда ёзилишича, Султон Сайд авлодига суюрғол қилиб берилган тўрт қишлоқ орасида Қизилработ ҳам бор[1].

Хожиобод қишлоғининг XX асрдаги тарихига доир манбалар эса жуда кўп. Архив материаллари, даврий матбуот нашрлари, фото ва фонохужжатлар билан биргаликда оғзаки тарих усулида манба тўплаш учун имкониятлар ҳам етарли. Бу даврда шаҳарчада жамоа хўжалиги ва тажриба хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлиб, “Қизилровот” пахта нави яратилган. Қишлоққа раҳбарлик қилган шахслар фаолияти ҳам алоҳида ёритишга муносиб.

Қишлоқ тарихига оид манбаларни кузатиш асносида қуйидаги хulosаларни бериш мумкин:

1. Хожиобод қишлоғи тарихи антик даврга бориб тақалади, бироқ бу ҳақда етарлича манбалар топилмаган ва археологик тадқиқотлар олиб борилмаган.
2. Қишлоқнинг V-XVI асрга қадар бўлган даврдаги тарихига оид манбалар ҳали аниқланмаган, бу эса уларни топиш ва таҳлил қилиш зарурлигини англаради.
3. Хожиободнинг яқин тарихини оғзаки тарих услуби ёрдамида ёритиш ҳам яхши самара беради ва бой тарихий-этнографик материаллар тўпланишига олиб келади.
4. Хожиобод қишлоғининг тарихи умумлаштирилган ҳолда китоб шаклида нашр этилмаган. Бу эса тарихчи сифатида бизнинг олдимизга яна бир муҳим вазифани қўяди.

P.S. Мақолани ёзишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидағи Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси ахбороти ва қишлоқда яшовчи инсонларнинг оғзаки маълумотларидан ҳам фойдаланилган.

Адабиётлар

1. Жавонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. Тошкент.: Фан, 1965. Б.9.
2. Абдуллажанова Н. Т. Беруни-историк науки //МИРОВАЯ НАУКА 2020. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 28-30.
3. Абдуллажанова Н. Т. Уникальные памятники по изучению истории наук //Экономика и социум. – 2021. – №. 5-1. – С. 590-593.
4. Хакимов А. А., Абдуллажанова Н. Т., Бокиев К. Т. Глобал экологик инқироз ва экологик нормалар //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2015. – №. 58. – С. 93-95.
5. Хакимов А. А. и др. Традиция как фактор нормативного управления обществом //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2015. – №. 37. – С. 47-49.
6. Abdullajonova N. T. From the history of studying the work of Abu Rayhan Beruni //ISJ Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2020/4/30. – С. 137.